*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
22 октябрь
ШАНБА

№ 84
(12.408)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Энг аввало, сиз қадрдонларимни – заҳматкаш бободеҳқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекционерларни, барча мутахассис ва мутасаддиларни ўз зиммангизга олган шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этиб, юртимиз хирмонига 3 миллион 500 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили етказиб берганингиз билан самимий табриклайман.

Бугун сиз азизларни чин қалбимдан қутлар эканман, мен кўпчилик қаторида пахта етиштириш каби деҳқончилик бобида дунёдаги энг мураккаб ва нозик соҳа бўлмиш, нафақат чуқур билим ва катта тажрибани, аввало мбор оғир ва машаққатли меҳнатни талаб қиладиган ишга ўзини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган миллион-миллион юртдошларимизни ўзимга тасаввур қиламан ва эришилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссангизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг пешона терингиз, азму шижоатингиз билан қўлга киритилган бу улкан марра Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ тўйига яна бир бекиёс совға бўлди, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Дарҳақиқат, ҳаммамиз яхши тушунамиз – деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди. Бу йилги қишлоқ хўжалик мавсуми биз учун кўп жиҳатдан оғир бўлди. Жорий йилда баҳор фаслида юз берган табиий қийинчиликлар, ёз ойларидаги қаттиқ қурғоқчилик ва кучли сув тақчиллиги, жазирама иссиқ ва гармселлар ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Хусусан, ғўза айни ривожланиб, ҳосилга кирадиган июль-август ойларида ҳарорат йиллик ўртача меъёрдан анча юқори бўлгани, турли зараркунанда ва касалликлар кўпайгани ҳам қанча-қанча муаммо ва ташвишлар туғдирганидан ҳаммамиз хабардормиз.

Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, сиз – кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, омилкор деҳқонларимизнинг ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлиб қилган меҳнатингиз, матонат ва мардлигингиз эвазига бугунги юксак пахта хирмонининг бунёд этилганини халқимиз чуқур тушунади ва англайди.

Мамлакатимизда аграр соҳанинг истиқболини кўзлаб, ўз вақтида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани ҳар томонлама тўғри ва самарали йўл бўлганини ҳаётнинг ўзи кўп-кўп мисолларда тасдиқлаб бермоқда.

Ҳозирги пайтда фермерлик ҳаракати нафақат юқори даромад олиш, нафақат ўзини ва оиласини боқиш, айни пайтда ўз олдига узоқ ва давомли мақсадлар қўйиб, қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг бугунги куни ва келажаги учун масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи сиёсий-ижтимоий кучга айланиб бормоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу ўринда бир фикрни такрор айтишни жоиз, деб биламан.

Фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур тушуниб, деҳқончилик маҳоратини пухта эгаллаган, ўз фаолиятида бир нечта замонавий касбларни мужассам этган, доимо олдинга интилиб, янги-янги режа ва мақсадлар билан яшайдиган, бой тажрибасини ёш авлодга – ўзининг муносиб давомчиларига бераётган фермерларни мен ўзимнинг энг яқин маслакдошим ва таянчим, деб биламан.

Бу йил пахтачиликда эришган катта ютуқларимизнинг энг муҳим омиллари қаторида биринчи навбатда ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган амалий ишларимиз ҳақида, фақатгина охирги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 539,5 миллиард сўм маблағ сарфлаш ҳисобидан 1 миллион 164 минг гектар суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшилангани хусусида алоҳида таъкидлашни ўринли, деб биламан. Шу борада ерни шудгор қилиш ва текислашдан тортиб, сифатли уруғ тайёрлаш, ҳар томчи сувдан оқилона фойдаланиш, ғўзага ишлов бериш билан боғлиқ барча агротехник тадбирларни юқори даражада ўтказганимиз, ҳеч шубҳасиз, мўл ҳосил тўплаш ва сифатли тола олишда ҳал қилувчи омил бўлганини эътироф этишимиз зарур. Шу билан бирга, жорий мавсумда деҳқон ва фермерларимиз дефолиациянинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, уни барча майдонларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширгани ҳам ўтган йилга нисбатан пахта етиштириш, йиғим-терим ишларини тезлаштириш ва уюшқоқлик билан ташкил қилиш, энг муҳими, ҳосилнинг аксарият қисмини юқори сортларга топшириш имконини берганини қайд этиш лозим.

Бу йилги пахта ҳосилининг 90 фоиздан кўпроғи юқори сортлар билан етказиб берилгани айнан ана шундай муҳим тадбирларнинг самараси, десак, янглишмаган бўламиз. Шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб бажарган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилояти, шулар қаторида мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган барча вилоятларимизнинг пахтакорлари ва меҳнаткашлари юртимиз деҳқонларига хос олижаноб фазилатларни намойиш этдилар. Айниқса, Денов, Сариосиё, Вобкент, Пахтаобод, Жалақудуқ, Дўстлик, Уйчи, Наманган, Шаҳрисабз, Тошлоқ, Учкўприк, Қизилтепа, Кармана, Нарпай, Иштихон, Амударё, Қораўзак, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Боёвут, Гурлан, Хонқа туманлари белгиланган мажбуриятларни 20-25 иш кунида бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Кунни – кун, тунни – тун демасдан қилган фидойи меҳнати эвазига бир қарашда тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган катта ютуқларга эришган юзлаб фермер хўжаликларининг номларини бугун ҳурмат билан тилга олиш мумкин ва шу фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига чуқур миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг юксак бурчим деб биламан.

Бугунги қувончли айёмда жорий мавсумнинг асосий якунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, пахтачиликдан олинадиган даромад, моддий манфаатдорлик ортиб бораётгани ҳақида тўхталишимиз табиийдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил пахтачилик бўйича ялпи даромад, ўртача ҳисоблаганда, 2 триллион 400 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 25 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида қишлоқларимизни, бутун юртимизни янада обод қилиш, янги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, замонавий тиббиёт масканлари, болалар спорти объектлари, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон қилиш учун улкан имкониятлар туғдириши шубҳасиздир.

Азиз дўстлар!

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги кунда ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб ва қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Буни яқинда азим пойтахтимиз – Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида йирик хорижий фирма ва компаниялар билан 650 минг тонна пахта толасини сотиш бўйича шартномалар тузилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан яна бир муҳим масала – пахта толасини юртимизда қайта ишлаш ҳажмини кескин ошириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда 200 дан ортиқ тўқимачилик корхонаси модернизация қилингани, хорижий шериклар билан ҳамкорликда энг замонавий технологиялар асосидаги янги-янги қўшма корхоналар барпо этилаётгани туфайли етиштирилган қимматбаҳо хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолида, қўшимча қиймат билан халқаро бозорга чиқариш имконига эга бўлганимизни таъкидлаш даркор.

Ўзингиз тасаввур қилинг, агарки 90-йилларда етиштирилган пахта толасининг 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги вақтда ушбу рақам 33 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани Ўзбекистон бу йўлда қандай дадил қадамлар билан бораётганининг ва бу борада биз эришаётган катта-катта натижаларнинг яққол ифодаси десак, асло хато бўлмайди.

Бу кўрсаткични яқин келгусида изчил равишда ошириш бўйича олиб бораётган амалий ҳаракатларимиз иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, минг-минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш, оладиган даромадларимизни янада кўпайтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Азиз ва муҳтарам юртдошларим!

Бугунги хурсандчилик кунда Ўзбекистоннинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган сиз, фидойи деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ меҳнаткашларини бағримга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимнинг тўрида бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромимни, эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мана шундай шукуҳли дамларда биздан марҳаматини дариғ тутмасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

**МОДЕРНИЗАЦИЯ ДАСТУРИ – АМАЛДА**

**Иқтисодиётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг етакчи йўналишларидан бири ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва замонавий янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш орқали ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган маҳсулотларни кўпайтиришдан иборат. Ангрен шаҳридаги хорижий сармояли (ИИ) "Sanoatqalinqog'ozsavdo" очиқ акциядорлик жамияти бу борада билимдонлик билан олиб борилаётган инвестиция сиёсати самараларининг ёрқин намунасидир. Корхона картон қоғоз, қоғоз, картон қутилар, мебель саноати учун тўқимали плиталар ишлаб чиқармоқда.**



# САРМОЯДОРЛАРНИНГ РЕЖАЛАРИ КАТТА



Шу йил июль ойида ОАЖ акцияларининг 53 фоизи Чехиянинг "Paper Holding S.R.O" компанияси томонидан сотиб олинди. Шу билан корхона ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Бугунги кунда "Paper Holding S.R.O" компанияси "Sanoatqalinqog'ozsavdo"ни асосий хом ашё – макулатура, эҳтиёт қисмлар, кимёвий модда ва бошқа воситалар билан таъминлаяпти. Юқори малакали чех мутахассислари ходимларни ўқитиш ҳамда янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда амалий ёрдам кўрсатишаяпти. ОАЖ ИИ ходимлари Чехиядаги турдош корхоналарда тажриба орттиришаяпти.

Янги сармоядор корхонани юқори сифат даражасига кўтаришни кўзлаяпти. Бунинг учун 2011-2013 йилларда корхонани модернизациялаш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш режалаштирилаётир. Бу қўшимча ишчи ўринлари барпо этилишини таъминлайди, маҳсулот сифатини яхшилайди, корхонанинг экспорт имкониятларини ошириб, маҳсулот тури кўпайишига олиб боради.



– Ҳозир ишлаб чиқарилаётган ва талаб катта бўлган маҳсулотларга қўшимча бир неча турдаги картонлар, гипсокартон тайёрлашда фойдаланиладиган махсус картон, бир неча кўринишдаги гофрли қутилар, қоғоз салфетка ва сочиқлар ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ҳаракатидамиз, – дейди "Sanoatqalinqog'ozsavdo" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ярослав Веселы. – Бунинг натижасида корхона қўшимча бозорларга ҳам чиқиб, сарф-харажатларни камайтиради ва бозорнинг ўзига тегишли йўналишида етакчилик мавқеини сақлаб қолади.

**Валижон САМИҒОВ.**

СУРАТЛАРДА: сармоядорларни тантанали кутиб олиш; корхона цехларида.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

**25 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

# ОЗОД ЮРТНИНГ ОГОҲ ПОСБОНЛАРИ

**"Бугунги кунда ички ишлар идоралари сафларида Ватанимиз манфаатларига садоқатли, муносиб ўғил-қизларимиз халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини асраш йўлида мураккаб вазифаларни адо этиб келмоқда". Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзларида юрт тинчлиги ва барқарор тараққиёти учун хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас вазифаларидан бири эканлиги ўз ифодасини топган. Эл осойишталигини ҳимоя қилиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди.**

Истиқлол йилларида ички ишлар идоралари ходимларининг мустақилликни мустаҳкамлаш, эл осойишталигини ҳимоя қилиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги вазифа ва масъулиятлари янада ортди. Мустақил Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг чуқурлашувида ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб хизматлари бор. Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳукумати ва шахсан Юртбошимизнинг соҳа ходимларига мунтазам эътибор ва ғамхўрликлари натижаси ўлароқ, 25 октябрь юртимизда ички ишлар идоралари ходимлари куни сифатида нишонлаб келинмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир ички ишлар идораси ходими ана шу эътибор ва ишончга муносиб тарзда халқ тинчлик-осойишталиги йўлида ўз жонини хатарга қўйиб бўлса-да, ғайрат-шижоат билан хизмат қилишга интилмоқда.




Белгиланган вазифаларни сидқидилдан адо этиш ички ишлар идоралари ходимларидан аввало, юртга меҳр-муҳаббат, касбга садоқат билан бирга, қатъий интизом ва юксак маънавият эгаси бўлишни талаб қилади. Шунинг учун вилоят ИИБ ходимларининг касбий ва жисмоний тайёргарлиги, ижтимоий-ҳуқуқий билимларини юксалтириб боришга алоҳида аҳамият берилади.

(Давоми 2-бетда).

25 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ОЗОД ЮРТНИНГ ОГОҲ ПОСБОНЛАРИ

Бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимларининг юксак маънавият соҳиби бўлишлари ҳам соҳа ходимлари зиммасидаги вазифаларни уддалашда бош омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада Тошкент вилояти ИИБнинг идора ва тизимларида мунтазам ўтказиб келинаётган маърифат дарсларининг алоҳида аҳамияти бор. Бундай тадбирларга асосан олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намоёндалари таклиф этилади. Машғулотлар кўпроқ маъруза ва баёнлардан ҳоли, очиқ мулоқот, баҳс-мунозара тарзида ташкил этилади.



Соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида вилоят ички ишлар идоралари ходимлари билан кенг жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозирги кунда вилоятнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларидаги милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари ўз ҳудудлари барқарорлиги йўлида маҳалла посбонлари ва фаоллари билан ҳамкорликда хизмат қилмоқдалар. Ҳудудлардаги жамоат тузилмаларида икки мингдан зиёд посбонлар бор. Улар жойларда профилактика инспекторлари билан елкама-елка туриб, юрт осойишталиги ва фуқаролар хавфсизлиги йўлида ҳаракат қилишмоқда. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўтган даврда вилоятнинг 1258 та маҳалласидан 534 тасида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Ўсмирлар ва ёшлар иштирокида ўтказилаётган профилактик тадбирлар натижасида вояга етмаганлар содир этаётган ҳуқуқбузарликлар камайишига эришилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Осойишталикни таъминлаш мақсадида вилоят ИИБ соҳа вакиллари ва жамоатчилик ҳамкорлигида мунтазам равишда "Тозалаш", "Турмуш", "Қорадори", "Орият", "Ўсмир", "Қидирув", "Тун", "Тонг", "Арсенал" каби тадбирлар ўтказилаяпти. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, юз бераётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этишда бу каби тадбирлар яхши самара бермоқда.

Тошкент вилояти қўшни мамлакатлар билан чегарадош ҳудуд ҳисобланади. Шу боис, товар-моддий бойликларнинг четдан ноқонуний кириб келишининг олдини олиш ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тегишли ҳужжатларсиз қўшни мамлакатлар ҳудудига олиб ўтилишига қарши кураш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллар давомида вилоят ички ишлар идораларининг ўнлаб ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига, орден ва медалларга сазовор бўлди. Бу эса, шахсий таркибнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларига ҳукуматимиз ва шахсан Юртбошимиз томонидан берилган юксак баҳодир.

Байрам арафасида шуни ишонч билан айтиш мумкинки, вилоят ички ишлар идорасининг ҳар бир ходими буюк ва муқаддас Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз хотиржамлигини таъминлаш ҳақидаги қасамёдга содиқ ҳолда ҳамиша эл-юрт хизматига шайдир!

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори.**

# МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 21 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари Алимжан Саматов ("Жасорат" медали билан), Ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими қўрғон милиция бўлинмаси бошлиғи Акмал Абдижамилов ("Содиқ хизматлари учун" медали билан) борлиги қувонарлидир.

Биз уларни юксак мукофот билан табриклаймиз!

**Вилоят ИИБда кўп йиллар самарали меҳнат қилган ходимларнинг бой тажрибалари доимо юксак қадрланади. Зеро, улар ички ишлар идоралари салоҳиятини оширишга, ходимларни жамоатчилик олдидаги обрў ва ҳурматини янада юксалтиришга бой ҳаётий тажрибалари, ибрат ва ўгитлари билан муносиб улуш қўшмоқдалар.**



# МЕҲНАТЛАРИ МУНОСИБ ҚАДРЛАНДИ

Вилоят ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида узоқ йиллар хизмат қилган Азимхўжа Акбаров ва Каримжон Саидохунов бошқарма раҳбарияти, қадрдон ҳамкасблари ва кўплаб шогирдлар даврасида юксак эҳтиром билан нафақага кузатилди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи Аҳмаджон Ғуломов нафақага кузатилаётган ҳар икки ходимнинг хизматда эришган ютуқлари, билим ва тажрибаси ҳақида гапириб, ҳар бир ходимга улар каби эъзоз-эҳтиром билан нафақага чиқиш насиб этишини тилади.

– Бир умр меҳр қўйиб ишлаган касбингни тарк этиш осон эмас, – деди Азимхўжа Акбаров. – Дарахт бир жойда кўкаради деганларидек, Янгийўл тумани ИИБда асосан паспорт хизмати йўналишида хизмат қилдим. Танлаган соҳамизда устозлар ўгитларига таянган ҳолда ишлаганимиз, фуқаролар билан ҳамиша самимий муносабатда бўлганимиз учун қадр топдик. Фурсатдан фойдаланиб, ёш ходимларимизнинг ҳам касбларига меҳр қўйиб, ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилишларини, ёруғ юз билан нафақага чиқишларини тилайман.

– Ҳамкасбларимиз кўрсатган эътибор ва эҳтиром кўнглимизни тоғдек кўтарди, – деди Каримжон Саидохунов. – Мен ҳам узоқ йиллар ушбу соҳада хизмат қилдим, шогирдлар орттирдим. Албатта, арзимас меҳнатим ортидан эътибор топганимдан хурсандман.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**катта лейтенант.**

ИНСОН ВА ҚОНУН

**Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг замирида инсон ҳуқуқи ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини энг олий қадрият тарзида эътироф этиш бош мақсад сифатида мустаҳкамланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва жамият ривожининг стратегик йўналишларини, бошқарувнинг адолатлилиги, демократик тамойиллари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.**

# ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Хусусан, Конституциямизнинг 13-моддасида "Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" деб белгилаб қўйилди. Мазкур меъёрларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясида ҳаётий тасдиғини топаётганлигини суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятнинг ривожида ҳамда давлат қурилишида энг муҳим йўналишлардан бири бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Бу эса инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқа бошқарув органлари, шунингдек, барча мулк шаклларига асосланган маъмурий-хўжалик тузилмалари билан турли муносабатларни йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган 120 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Масалан, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида", "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Шунингдек, республикамиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган. Амалга оширилаётган бундай ислоҳотлардан кўзланаётган асосий мақсад халқимизнинг миллий ўзлигини англаш ҳамда тарихий тажрибалар асосида демократик тамойилларни ривожлантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда давлатимиз малакали тиббий хизматдан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Фуқароларнинг бу соҳадаги ҳуқуқлари "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Болалар ва ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ҳамда касбга тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари "Таълим тўғрисида"ги Қонунда, Кадрлар тайёрлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, давлатимиз иқтисодий фаолият турлари ва тадбиркорларнинг эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди. Бундан ташқари, республикамизда тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир нечта нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар кучини бирлаштиришга қаратилган "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси, "Аёллар Кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, тадбиркорлик билан шуғулланувчи ногирон аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган Ўзбекистон Ногирон ишбилармон аёллар миллий уюшмаси каби нодавлат нотижорат ташкилотларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятлар устувор бўлган, маънавий меросни ва диний қадриятларни тиклаб, инсон ҳуқуқларини устувор даражага кўтарган мамлакатдир. Шундай экан мамлакатимизда тарихан таркиб топган миллий-маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиб, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириб, аҳоли ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиб, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ғояларини тушунтириб ва тарғибот ишларини олиб бориб, инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни умуммиллат даражасида ривожлантириб, ўтмишимизни теран ҳис этиб, халқимизнинг руҳиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жиҳатларини, анъана ва урф-одатларини инобатга олган ҳолда иш тутишимиз лозим.

**Акбар НАБИРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими.**

# КОЛЛЕЖДА ТИЛ БАЙРАМИ

**21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан ўқув муассасалари, касб-ҳунар коллежларида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.**

Шундай тадбирлардан бири П. Ф. Боровский номли тиббиёт коллежида ўтказилди. "Тиллар" кафедраси ўқитувчилари ва иқтидорли ўқувчилари иштирокида ташкил этилган байрамда ўзбек тили ҳақида шеър, куй ва қўшиқлар янгради. Турли миллат вакилларининг ўз тилларидаги байрам табриги йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида тил ҳақидаги қонун моддалари слайд орқали намойиш этилиб, ўқувчилар томонидан изоҳлаб берилди.

**Маъмура АҲМЕДОВА,**
**коллежнинг "Тиллар" кафедраси ўқитувчиси.**

**Тошкентда "Узлуксиз таълимни янги сифат босқичига кўтаришнинг ижтимоий-иқтисодий ва педагогик муаммолари. Халқаро тажриба" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

# ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Тадбирда узлуксиз таълимни янги сифат босқичига кўтариш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида таълим тизимини янада такомиллаштириш, халқаро тажрибаларни оммалаштириш, ахборот ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, таълим мазмунига миллий қадриятларни сингдириш, тажрибали ўқитувчиларни рағбатлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

**"Туркистон-пресс".**

ДАВЛАТ ГРАНТИ СОҲИБЛАРИ

# ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ – ТАШАББУСГА ҚАНОТ

**Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Олмалиқ шаҳар бўлими мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил этилган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси, жамият тараққиётида ўз ўрни бўлиши учун ҳаракат қилишларига имконият бериш, яшаш тарзи, иш билан таъминланишига эътибор қаратиш ишларига жамият раиси, I гуруҳ ногирони Сирожиддин Абдуллаев масъул.**

Бугунги кунда Олмалиқ шаҳар ногиронлар жамиятига 1061 киши аъзо бўлиб, улар орасида меҳнатга лаёқатлилари ҳам анчагина. "Абдулла Сирожиддин" шўъба корхонасида ишлаётган ногиронлар бетон ариқчалар, дераза ромлари учун безаклар, турли ҳажмдаги йўлакчалар учун нақшли брусчаткалар, қудуқлар учун қопқоқлар ясашни яхшигина ўзлаштириб олишган. Аммо, жамият ўз фаолиятини янада кенгайтириш, ногиронларга кўпроқ қулайликлар яратиш ниятида. Зеро, имконияти чекланган ёшларнинг таълим-тарбия олишга, маданият, санъатга бўлган қизиқиши кучли.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти уюштирадиган "Мафтункор ранглар жилоси", "Para sport shou" каби танловларда фаол иштирок этиб, 1- ва 2-ўринларни эгаллаб келаётган жамият аъзоларини шаҳар ҳокимлиги ҳам байрамларда рағбатлантириб туради. Жамиятнинг бу ишларини "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш" жамоат фонди муносиб тақдирлади. Улар "Олмалиқ шаҳар Ногиронлар жамияти моддий-техник базасини мустаҳкамлаш" номли грантга эга бўлишди.

– Давлатимизнинг биз каби ташкилотларга кўрсатаётган ғамхўрлиги жамиятимиз аъзоларини руҳлантириб юборди, – дейди раис Сирожиддин Абдуллаев. – Вилоятимизда 20 дан ортиқ ногиронлар жамияти бор. Бундай салмоқли мукофотга бизни лойиқ топишганидан жуда хурсандмиз. Бизга ажратилган маблағ ҳисобига жамиятимиз биносини қайта жиҳозлаш учун янги офис мебеллари сотиб олдик. Баҳонада яна бир янги иш ўрни яратилди. "Пайнет" шахобчаси аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Аслида, ногиронлар давлатимизнинг доимий эътиборида. Уларга турли байрамларда моддий ёрдам уюштириб турилади. Аммо, инсон меҳнат билан тирик. Ногиронларнинг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш ҳам жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда архив ишини такомиллаштириш, архивларни техник модернизация қилиш, соҳа ходимларининг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада архив ҳужжатларининг библиографик ахборот базасини яратиш ҳамда қимматбаҳо ва ноёб материалларни рақамли форматга ўтказиш каби энг илғор усуллардан фойдаланилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 августда қабул қилинган "Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бўйича амалга оширилаётган ишлар самарасида бу йўналишда қисқа вақт ичида сезиларли натижаларга эришилди.**

# БАРЧА МАРКАЗИЙ АРХИВЛАР ЯГОНА ТАРМОҚДА БИРЛАШАДИ

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида қимматбаҳо ва ноёб архив ҳужжатларини сақлаш ва уларни рақамли форматга ўтказиш, учта марказий архивни бирлаштирадиган ягона ахборот тармоғини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар юксак маданий ва тарихий қимматга эга, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни нашр этиш бўлими бошлиғи Шуҳрат Эрматов. – Улар билан ишлаш бевосита архив ходимларининг вазифасига киради. 2010 йилдан буён ходимларимиз томонидан замонавий сканерлар ёрдамида юз мингдан ортиқ кадрлардан нусха кўчирилди ва 70 минг ҳужжатнинг каталоги тузилди.

Таъкидлаш керакки, архивдан фойдаланувчилар ва унинг ходимларига қулай шароит яратиш, қимматбаҳо ва ноёб ҳужжатларнинг сақланиш муддатини узайтириш мақсадида ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш бўлими ҳузурида уларнинг электрон нусхаларини яратиш сектори ташкил қилинди. Ушбу нусхалар "Koika" компаниясининг янги IBM серверларида электрон шаклда сақланмоқда. Яқин вақт ичида бу бўлимда мамлакатимиздаги барча марказий архивларни бирлаштирадиган ахборот тармоғи ташкил этилади.

Мамлакатимизда ягона ва Марказий Осиёдаги йирик Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар давлат архивида ҳам шундай ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу архив Ўзбекистонда ҳужжатлар билан ишлаш бўйича илмий-услубий марказ бўлиб, бу ерда 300 мингдан зиёд кино, сурат ва овозли ҳужжатлар сақланмоқда. Негатив ва позитивлардан кўчирилган 16 мингдан ортиқ фото ҳужжатлар рақамли форматга ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар давлат архиви директори Малоҳат Раҳимованинг айтишича, бир пайтнинг ўзида эскириб кетган ҳужжатларни қайта тиклаш ва нусхаларини сақлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда архивда турли ахборот манбаларини рақамли форматга ўтказадиган замонавий ускуналар мавжуд.

Тарихий ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида марказий архивларда электрон кутубхоналар ташкил этилмоқда, бу ерда электрон ҳужжатларни кўздан кечириш ва улар билан ишлаш учун махсус компьютерлар ўрнатилади.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

**"Ўзбекистон маданият ва санъат форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳомийлигида республика "Камалак" болалар ташкилоти иқтидорли болаларни кашф этиш ва истеъдодларини намоён қилишларига имконият яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маданий савияси ва маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш мақсадида ҳар йили анъанавий "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалини ўтказмоқда.**

# ИҚТИДОРЛИЛАР ТАНЛОВИ

Олмалиқ шаҳар "Металлург" маданият саройида Ҳаракатнинг Олмалиқ шаҳар бўлими кенгаши таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш бўлими билан ҳамкорликда ташкил этган фестивалнинг саралаш босқичида 400 нафар ёшлар 6 йўналиш ва 36 жанр бўйича ўз иқтидорларини синаб кўрдилар.

Классика, вокал, миллий чолғу, ракс, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишларида Руфина Абдураҳмонова, Феруза Ҳакимова, Санжар Жуманов, Дилфуза Абдуазизова, Аҳад Абдукаримов, Ирода Бердиева ғолиб деб топилди.

Фестивалнинг вилоят саралаш босқичи вилоят Маданият саройи биносида бўлиб ўтди. Ғолиблар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва ҳамкор ташкилотнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

БОСИЛМАГАН ХАТ ИЗИДАН

# НАФАҚАНИ ВАҚТИДА ОЛИШАЯПТИ

Таҳририят Юқори Чирчиқ тумани Янгибозор шаҳарчасидаги "Қорасув" маҳалласида яшовчи Ҳафиза Ҳакимовадан ариза хати олган эди. Унда баён этилишича, фуқаро Ҳ. Ҳакимова икки ёшга тўлмаган фарзанди учун нафақа олиш мақсадида керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, "Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинига топширган. Аммо, бир неча ойдан бери нафақа олмаётган экан.

Ушбу ариза хати унда баён этилган ҳолатни ўрганиб, қонуний ҳал этиш учун вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига юборилган эди. Таҳририят бош бошқарма бошлиғи ўринбосари С. Бобоқулов имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олди:

"Тошкент вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Юқори Чирчиқ туманида истиқомат қилувчи фуқаро Ҳ. Ҳакимованинг аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Юқори Чирчиқ туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан олинган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 июнда 740-сон билан рўйхатга олинган "Нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги услубий қўлланма талабларига мувофиқ, Ҳ. Ҳакимовага нафақа тайинлаш масаласи вақтинча қолдирилган.

Ушбу масала ижобий ҳал этилиб, вилоят ҳокимининг 2011 йил 28 июндаги 116-Ф-сонли фармойишига асосан, Юқори Чирчиқ туманида истиқомат қилаётган икки ёшгача боласини парваришловчи оналарга нафақалар тўлови учун қўшимча маблағ ажратилган.

Қўшимча ажратилган маблағлар ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига келиб тушгандан сўнг, Ҳ. Ҳакимовага жорий йилнинг август ойидан икки ёшгача боласини парваришлаши учун нафақа ўрнатилган тартибда тайинланган ва тўланмоқда".

## XXI аср ва дунё

### НАМОЙИШЧИЛАР ТАРТИБСИЗЛИК КЕЛТИРИБ ЧИҚАРДИ

Грецияда давом этаётган умумий иш ташлаш жараёнида парламент биноси олдида намойишчилар билан полиция ўртасида тўқнашувлар юз берганлигини маълум қилди AFP агентлиги.



Агентликнинг хабар беришича, норози кайфиятдаги 200 га яқин киши полиция ходимларига ёндирувчи шишалар улоқтирган. Тартиб посбонлари бунга жавобан кўздан ёш оқизувчи воситаларни ишга солишган.

Норозилик билдираётганлардан бир гуруҳи полиция билан тўқнашди. Пойтахтнинг бошқа қисмида полиция ходимлари иш ташлаган таксичилар акциясини бостирди. Аввалроқ тарқатилган хабарга кўра, умумий иш ташлаш куни ҳукумат метронинг парламентга яқин иккита бекатини ёпиб қўйиб, элчихона ҳамда ҳукумат муассасалари яқинида полициячиларни кўпайтирди.

AFPнинг таъкидлашича, Афина марказидаги намойишчилар 70 минг кишидан зиёд. Полициянинг маълумотида эса, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига қарши норозилик акциясида иштирок этаётганлар 125 мингдан ошди. Афинадан ташқари Солоника шаҳрида ҳам йирик намойиш бўлиб ўтди. BBC Newsнинг маълум қилишича, унда 15 минг киши иштирок этди.

Давлат хизматчилари, хусусий тадбиркорлар ва аҳолининг бошқа айрим қатламлари ҳукуматнинг бюджет харажатларини анча қисқартириш режасига қарши норозилик билдирмоқда.



### ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Associated Press агентлиги Марказий Америка мамлакатларида тинимсиз ёғаётган кучли жала оқибатида қурбон бўлганлар кўпайиб бораётгани ҳақида хабар тарқатди.

Табиий офат сабабли ҳалок бўлганлар 103 кишига етди. Етти киши бедарак йўқолган. Энг кўп фожиали ўлим Гватемала мамлакатида қайд этилди. Кучли ёғин бу юртда 38 фуқаронинг умрига зомин бўлди. Сальвадорда 32, Гондурасда 15, Никарагуада 13, Коста-Рикада 5 киши сув тошқини ва кўчкилар қурбонига айланди.

Марказий Америкада кучли ёғин бошланганига бир ҳафтадан ошди. БМТнинг BBC News келтирган маълумотларига кўра, табиий офат 100 мингдан зиёд фуқарога зарар етказди. Ёғин давом этаётган минтақаларда автотрассаларнинг бир қисмини сув босди, кўприклар вайрон бўлди, минглаб одам бошпанасидан айрилди.

Кучли ёмғир натижасида Сальвадорнинг Лемпа ва Рио-Гранде-де-Сан-Мигель каби йирик дарёлари қирғоқларидан тошиб, қишлоқ хўжалик туманларида катта майдонлар сув остида қолди. Никарагуадаги Манагуа кўлида сув сатҳи кўтарилиб кетгани экспертларни, айниқса, ташвишлантирмоқда. Негаки, мамлакатнинг пойтахт шаҳри айнан шу кўлнинг жануби-ғарбий қирғоғида жойлашган. Минтақа ҳукумати кўл қирғоғига яқин жойда яшаётган 600 оила учун бошпана тайёрлаб қўйди.

КУРАШ

**Жорий йилнинг 22-23 октябрь кунлари Термиз шаҳрида ўтказиладиган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир ва катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати олдидан пойтахтимизда Кураш халқаро ассоциациясининг (КХА) XII Конгресси бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

Тадбирда КХА Конгресси ва Ижроия қўмитаси аъзолари, кураш бўйича минтақавий конфедерациялар вакиллари, спорт жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан кураш дунёда жадал тараққий этаётганини таъкидлади. Икки нуфузли мусобақа – кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган X анъанавий халқаро турнир ва катталар ўртасида VIII жаҳон чемпионати халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ташкил этилмоқда.

Конгресс йиғилишида КХА таркибидаги минтақавий конфедерация, уюшма ва федерациялар вакиллари ўтган йиллар давомида курашни янада ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди. Мазкур спорт турини жаҳон миқёсида янада оммалаштириш, КХА мусобақалари тақвимига киритилган мусобақаларни юксак савияда ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Франциянинг Бордо шаҳрида ўтказилган ва дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан энг сара полвонлар қатнашган "Ўзбекистон Президенти Гран-приси" II халқаро турнири КХА томонидан 2010 йилнинг "Энг яхши турнири", деб топилди. Ўзбекистонлик полвон Абдулла Тангриев мазкур мусобақа финалида қўллаган чиройли усули эвазига "Энг яхши техникаси учун" номинациясида ғолиб бўлди.

Ҳиндистонда қирқдан зиёд мамлакат полвонлари иштирокида ўтказилган ёшлар ўртасидаги VI жаҳон биринчилиги "Энг яхши чемпионат", мазкур мусобақани юқори савияда ташкил этган Ҳиндистон кураш федерацияси "Йилнинг энг яхши федерацияси", ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан япониялик Юма Саеки ва хотин-қизлар ўртасида икки карра Африка чемпиони Антеа Чейз (Жанубий Африка Республикаси) "Йилнинг энг яхши курашчиси" совринларига лойиқ топилди.

**ЎзА.**

ИФТИХОР

## ЙИГИРМАНЧИ ХИРМОН

*Ҳорма, бугун, пахтакор элим,*
*Юртим бахти сенга йиғилди.*
*Халқим ҳақ деб боғлади белин —*
*Йигирманчи хирмон уюлди.*

*Ҳақрост, ҳалол ўзбекнинг донги,*
*Жаҳон узра яна ёйилди.*
*Отаётир мунаввар тонги —*
*Йигирманчи хирмон уюлди.*

*Кўролмаса кимки шонимиз*
*Муккасидан бугун тойилди —*
*Кетар улар бенишон, беиз —*
*Йигирманчи хирмон уюлди.*

*Жаннатлардан андоза юртим,*
*Қалбимда минг жаннат туйилди.*
*Тоғларга тенг бўй-бастин кўрдим —*
*Йигирманчи хирмон уюлди.*

*Тўйимизга келганки меҳмон*
*Қадамига қўйлар сўйилди.*
*Қозонда ош, тандир тўла нон —*
*Йигирманчи хирмон уюлди.*

*Юртбошимдан муборак имзо*
*Мисли тошни ўйиб қўйилди.*
*Йигирма бор сервиқор, расо —*
*Йигирманчи хирмон уюлди.*

**Нурали ЖАЛИЛ.**

НИГОҲ

## ҚИРҒИЗИСТОН ЧОК-ЧОКИДАН СИТИЛАЯПТИ

***Республикадаги турли исломий марказ ва ташкилотлар, ноанъанавий мазҳаб ва оқимлар, шунингдек, диний-экстремистик гуруҳлар Қирғизистон ҳудудидан ўз халқимиз ҳамда чегарадош мамлакатлар аҳолисига ғоявий "ишлов" бериш учун ўзига хос майдон сифатида фойдаланмоқда. Давлатимиз ҳудудидаги узлуксиз айш-ишратларни (буни бошқача аташнинг иложи йўқ) кузатиб туриб, шундай хулосага келасан киши.***

Ҳақиқатан ҳам Қирғизистондаги диний соҳага оид вазият жуда жиддий тус олиб, мамлакатнинг сиёсий барқарорлигига хатарли таъсир ўтказмоқда. Ҳукуматнинг диний соҳада тартиб ўрнатиш мақсадидаги ношудларча уринишлари ҳеч қандай натижа бермаяпти. Негаки, мустақил тараққиёт йилларида диний ташкилот ва оқимлар вакиллари турли сохта инсонпарварлик қадриятларига содиқлик ниқоби остида жамиятимизда ўз мавқеларини анча мустаҳкамлаб олишга эришдилар.

Мамлакат жанубида диний эътиқод, айниқса, кучайган. Махсус хизмат органларининг тахминига қараганда, диний ташкилотларнинг асосий қисми Қирғизистоннинг жанубида ўрнашиб олган бўлиб, улар араб дунёси давлатларининг дин таъсирини кучайтириш тарафдорлари бўлган турли марказлар, диний жамоа ва ажнабий фуқаролар ажратаётган маблағлар ҳисобига фаолият юритмоқда.

Давлат маҳкамалари вакилларининг бизга берган маълумотларига кўра, кўплаб масжидлар расмий рўйхатдан ўтказилмаган. Шу боис, уларни давлат йўли билан назорат қилишнинг иложи йўқ. Шуниси ажабланарлики, деярли барча очиқ диний тузилмалар ходимларининг ҳам кўпчилиги чет эл ислом ўқув муассасаларини битирган диндорлардир.

Экспертларнинг таъкидлашларича, Қирғизистондаги диний вазиятга энг кучли таъсир ўтказаётган омил хорижий мамлакатлар эмиссарлари ҳамда миссионерларининг фаолиятидир. Улар турли хил инсонпарварлик, тижорат ва бошқа ташкилотлар паноҳида ҳаракат қилишади ва шу боис республиканинг исталган минтақасида ўрнашиб олиш ҳамда яширин диний тузилмаларни ташкил этиш имкониятига эгалар.

Боз устига, бизнинг ҳукумат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қулоғигача коррупцияга ботганлиги ва бунга мамлакатда тегишли қонуний базанинг йўқлиги қўшилиб, сохта диний тузилмаларга ўзларининг ғаразли мақсадлардаги тарғибот-ташвиқот ишларини эмин-эркин олиб бориш имконини бераяпти.

Расмий статистика маълумотларига мувофиқ мамлакат аҳолисининг 77 фоизи ислом динига, 17 фоизи православ-христиан, 6 фоизи бошқа конфессияларга эътиқод қилади. Қирғизистонда православ черковлар билан бир қаторда 300 га яқин протестантлик йўналишидаги ибодат билан боғлиқ муассасалар ишлаб турибди. Шу билан бир вақтда мамлакатда ноқонуний фаолият юритаётган чет эл миссионерлари 3000 кишига етди.

Ҳозир "Иегово гувоҳлари", "Инжилчилар", "Баптистлар" секталари, айниқса, фаол. "Еттинчи кун адвинтистлари", "Кришнани англаш жамияти", "Сан Мен Мун бирлашмаси черкови", "Фалунгун", "Элдос", "Янги ҳаёт", "Оқ танлилар биродарлиги" миссионерларининг ҳам улардан қолишмаётгани кузатилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси юқорида келтирилган секталарнинг АҚШ, Германия ва Жанубий кореялик тарафдорлари кўпайиб кетганлигининг оқибатидир. Ушбу ажнабийлар Қирғизистонга тадбиркор, чет тили ўқитувчиси, тиббиёт ходими ва бошқа соҳалар мутахассиси сифатида келмоқдалар. Бироқ, уларнинг бутун фаолияти фақат мазҳаб ғоясини тарғибот қилиш ва прозелит адабиётларини тарқатишдан иборат бўлаяпти.

Мусулмонларнинг ўзга дин вакилларига ножўя муносабатлари турли жанжалли вазиятларнинг кўпайишига олиб келди. Олис қишлоқларда ортодоксал мусулмонлар христианларга нисбатан зўравонлик қилмоқдалар.

"Таблиғи Жамоат" фаолларидан бўлган даъватчиларнинг ноислом конфессиялар тарафдорларига нисбатан қўпол тарзда куч ишлатиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Республикада аъзолари турли динга эътиқод қўйган оилалар ҳам кўпаймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, диний бошбошдоқлик оқибатида келиб чиқаётган жанжалларнинг бутун мамлакатга ёйилиб кетиши хавфи туғилмоқда.

**Кубатбек САГИНБОЕВ.**
**www.centrasia.ru**

### АМАЛДОРЛАРНИ ГОЛЬФДАН ЗАДА ҚИЛИШМОҚЧИ



Вьетнам транспорт вазири Дин Ла Тханг ўзи бошлиқ муассасасининг юқори мансабли амалдорлари ҳамда вазирлик қошидаги корпорациялар раҳбарларига гольф ўйнашни тақиқлаб қўйди.

Давлат транспорт муассасасининг расмий сайтига жойлаштирилган ушбу фармойишда Дин Ла Тханг ўз қўли остидаги мансабдорлар кейинги вақтларда гольф ўйинига ҳаддан зиёд вақт сарфлаб, ўзларининг асосий вазифаларини унутиб қўяётганлари ва бу ҳол иш сифатига таъсир этаётганини таъкидлади. Унинг фикрича, ушбу тақиқлаш чораси вазирлик ходимлари ҳамда улар билан ҳамкорлик қилаётган корхоналар вакилларининг меҳнати натижаларига ижобий таъсир кўрсатади. Вазирнинг кўрсатмасига мувофиқ гольфчиларни бирлаштирувчи ташкилотларга аъзо бўлиш ҳамда ҳаваскор ва профессионаллар турнирларида иштирок этиш тақиқланади.

Вазирлик ходимларининг Дин Ла Тханг қарорига муносабатлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Associated Pressнинг хабар беришича, кейинги йилларда вьетнамликларнинг гольфга қизиқишлари анча кучайди. Мамлакатда ўнлаб гольф майдонлари пайдо бўлаяпти. Тараққиёт ва инвестиция вазирлигининг режасига мувофиқ 2020 йилга бориб, мамлакатда 150 та гольф майдони жиҳозланиши лозим.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

КУЗ МАНЗАРАЛАРИ



## БОЛАЛАРГА ЭСДАЛИК

Бу ҳовлига кўпларнинг ҳаваси келади. Баҳордан кеч кузгача мевалар ғарқ пишади. Гуллар чаман бўлиб очилади, ҳовли этагида эса мавсумга қараб қулупнай, бодринг, кўкатлар барқ уради.

Куз бўлгани учун уй эгаси ҳовлисини навбатдаги мавсумга тайёрлаётиб, сон-саноқсиз тувакларадаги ранг-баранг гулларга кўз ташлади. Улар ҳамон баҳордагидек очилиб турар, кўрган кишининг кўнглини яйратарди.

– Буларни кўпайтириб юборибмиз-ку, энди қаерда сақлаймиз? – сўради у хотинидан.

– Бир дугонам шу гулларни кўрганда роса ҳаваси келганди. Бўлмаса, ўзи гулчи. Менга берингглар, сотиб бераман деганди. Шунга...

Эр ўйланиб қолди. Кейин қўл силтади:

– Э, қўй-э! Бизнинг касбимиз гулчилик эмас.

– Бўлмаса нима қиламиз? Ҳаммаси уй ичкарисига сиғмаса, эртага қиш келса, совуқ уриб кетади-ку.

– Шунинг учун, – деди эр бамайлихотир, – буларни маҳалламиздаги боғчага топшир. Биласан, боғча яқинда таъмирдан чиққан. Кираверишдан тортиб хоналаргача безаб турсин. Набираларимизга биздан эсдалик.

## ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

У эндигина ишдан келиб, ҳовлидаги каравотда ёнбошлаганди, эшик тақиллаб қолди. Қараса, рўпарасида уч-тўрт йилдан бери кўришмаган курсдош дўсти жилмайиб турибди. Ҳалиям тик қомат, очиқчеҳра.

– Э, бормисан, – севинди уй эгаси, – соғ-омонмисан?

– Яхши иморат қурибсан, – деди меҳмон атрофга назар ташлаб. – Дарахтларни ҳам билиб-билиб экибсан.

Кейин бирдан сўраб қолди:

– Гилос экмапсан, шекилли.

– Билдинг, – деди уй эгаси жилмайиб. – Ҳалиям топқирлигинг қолмабди-да. Икки туп олча кўчатим бор. Шундан биттасига гилос улатмоқчи эдим. Яхши эслатдинг. Хаёлимдан кўтарилаёзган экан.

Меҳмон "Мен ҳозир..." деди-да, ўрнидан турди, кўчага чиқиб, машинасидан тоққайчи ҳамда бир жуфт гилос новдасини олиб кирди. Олча пўстлоғини аста тилиб, дарахт танасига новдани ўрнатди. Кейин уни ўраб, боғлади.

– Мана, бўлди, – деди у ўз ишидан мамнун бўлиб. – Насиб этиб кўкарса, икки йилдан кейин ҳосили оғзингизга тегади. Набиралар билан бир гилосхўрлик қиласизлар.

– Менинг ниятимни қаердан билдинг? Ахир, олчага гилос улатаман деб ҳеч кимга айтмагандим-ку.

Меҳмон кулди:

– Эсласанг керак, бир пайтлар эрта баҳорда касалхонада узоқ вақт ётиб, даволангандим. Ҳар гал катта-катта қора гилос олиб келардинг. Билардим, ҳовлингда бу дарахт йўқ эди. Қиммат бўлсаям бозордан сотиб олардинг. Ўшанда ният қилгандимки, агар дўстим участкага кўчса, албатта, зўр навидан пайвандлайман деб. Мана энди ниятимга етиб турибман, оғайни!

Икки дўст бир-бирларини қайта қучоқлашди.

**Абдусаттор ҲОТАМОВ.**

Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани ТСРЎИ томонидан "ASUS BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятининг 22.06.2010 йилда 004428 рақам билан берилган гувоҳномаси, устави, думалоқ муҳри ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 15.04.2010 йилда 0108291 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 473106601) якка тартибдаги тадбиркор Артиков Музаффар Фахритдиновичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 29.07.2008 йилда 0105904 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 600877695) якка тартибдаги тадбиркор Матрохина Елена Юльевнага тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа туманидаги "OQ TEPA AVTOMOBILCHISI"га тегишли бўлган қуйидаги:
АТ серияли: 0743684, 0743686, 0922761, 0916137, 0922767, 0904702, 0904706, 0904700, 0905025, 0923236, 0923235, 0923237, 0922763, 0922764, 0922762, 0905026, 0905028, 0905027, 0089541 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадаст хизмати" ДУК томонидан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзе, 21-Б уйда жойлашган "JASUR-GUZAL" хусусий корхонаси номига 30.07.2009 йилда берилган ТА № 0796156 серияли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 17.10.2011 йилда рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Азизов Саидмурод Саидбахтияровичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ULGURJI SIFAT SAVDO" сообщает об уменьшении уставного фонда с 233 300 000 сум до 175 000 000 сум. Тел.: (+99897) 462-79-26.

Кредитный союз "UNION TASH", зарегистрированный Управлением Статистики г. Ташкента (реестр. № 074821 от 12.07.2007 г., ИНН 206924540), расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. У. Носира, дом 50-А объявляет о прекращении своей деятельности (на основании протокола внеочередного общего собрания пайщиков № 2 от 15.10.2011 г.). Ликвидационная комиссия принимает претензии в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "ALREMI TAOM", зарегистрированное отд. гос регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района (ИНН 301203742), расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзар, ул. Олтын-куль, дом 13, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

## Ниёзбош ҳангомалари

### ЭШОВИДАН ТУШОВИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Комилжон молларга ўт ўриб келиш учун далага борди. Қараса, макка пояси ўрилиб, боғлаб қўйилган экан. Комилжоннинг хаёлидан шумлик ўтди. Тайёр макка поясини аравага босиб олиб кетсам ким кўриб ўтирибди, дея айтганини қилиб, кўнгли чоғ ҳолда уйига кириб келди.

Орадан анча вақт ўтгач, эшиги тақиллади.

– Келинг, Олимжон ака. Тинчликми?

– Тинчлик эмас-да. Биз пешона тери тўкайликда, унинг ҳузурини сизга ўхшаган тайёрга айёрлар кўрсинми?!

– Секинроқ гапиринг, қўшнилар эшитиб қолишади.

– Қилғиликни қилиб қўйиб, яна уялармишлар.

– Уйга киринг. Бир адашдик-да, ака. Гуноҳимизни ювишга тайёрмиз.

– Ундай бўлса, ҳозир далада ишлаётганлар бор. Шунга...

– Ҳозир-да, ака. Бир оғиз сўзингиз.

Комилжон уйга кириб, хотини билан тортиша-тортиша қозондаги дамланган ошни тоғорага босиб, уч шиша арақ, помидор, бодринглар билан Олимжон аканинг қўлига тутқазди.

– Энди ака, шу гап шу ерда қолсин-а.

– Кўрамиз.

Олимжон ака эртасига ва ундан кейинги кун ҳам Комилжонни тинч қўймади. Даладаги ҳашарчиларга деб ҳар келганида арақ ва кўнгли тусаган овқатларни олиб кетаверди.

Комилжон хотинидан эшитадиганини эшитди. Арзимаган макка пояси учун бир прицеп поянинг пулини тўлашга мажбур бўлишди.

### ТОВОН ПУЛИ

Ҳакимжон матоцикл жинниси. Оғайниси Шокирга қўшилса, бўлади ҳангома. Бир куни икки оғайни мотоциклда сайр қилиб юришганида, йўлдан ўтаётган ғозлардан бирини бўйнидан ушлаб олиб қочишди. Мазахўракка ўрганиб қолган оғайнилар учинчи марта овга чиқишганларида, қармоққа илинишди. Кунда биттадан ғози йўқолаётган кишининг тинчи бўлармиди. Абдураҳмон аканинг қўлига таёқ олиб кўчада пойлоқчилик қилишдан бошқа чораси қолмаганди.

Кўчадагиларнинг гапига қараганда, айни тушлик пайтида мотоциклга мингашган икки йигит ғозларни чўчитиб, улардан бирини тутиб олиб кетишар экан. Узоқдан келаётган мотоциклни кўрган Абдураҳмон ака ғозлардан анча нарига ўтиб турди. Мотоциклдагилар ғозлар галасини ёриб ўтиб, битта ғозни бўйнида ушлаган ҳам эдики, Абдураҳмон ака мотоцикл ғилдираги орасига қўлидаги узун ёғочни ташлади. Мотоциклдагилар ерга қулашди. Ўғрилар қўлга тушди. Югур-югуру асаббузарликлардан сўнг ўғрилар олиб қочилган ғозлар учун яхшигина товон пули тўлашди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.**

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси таҳририят бош муҳаррири Убайдулла Абдушоҳидовга падари бузруквори **ҲИКМАТИЛЛО ота**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари бош муҳаррири Убайдулла Абдушоҳидовга падари бузруквори **ҲИКМАТИЛЛО ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1042. Адади 6640. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.40. 1234